ERO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: UP06062287

**Xorazm viloyati Kambag'allikni qisqartirish va bandlik bosh boshqarmasi**
**Urganch tumani Kambag'allikni qisqartirish va bandlikka ko'maklashish bo'limi**

220500, Urganch tumani, Arboblar mahallasi Proyektnaya 168 mavze 47-uy Tel: (8 362) 22-6-02-71
E-mail: xorazm@mehnat.uz web:mehnat.uz

9«aprel»2024 yil. 25/06296-son

**Хоразм вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи З.Оллакулиевга**

**Урганч тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи А.Рўзметов томонидан**

## БИЛДИРГИ

Бераман ушбу билдиргини шу ҳақдаким, бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари Ҳ.Каримов томонидан ўз мажбуриятларини лавозим йўриқномасида кўрсатилган функционал вазифаларни бажаришда масъулиятсизлик билан ёндашаётганлиги ва Бошқарма томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажармасдан совуққонлик билан ёндашганлиги сабабли, Урганч туманида бандлик йўналиши бўйича ишлар қониқарли даражада эмаслигини билдираман.

Шунингдек, бўлим бошлиғининг ўринбосари О.Қаландаров томонидан ҳудди шундай лавозим йўриқномасида кўрсатилган функционал вазифаларни бажаришда масъулиятсизлик билан ёндашаётганлиги сабабли ва хозирги кунгача ўз функционал вазифалари нимадан иборатлигини билмаслиги ҳамда Бошқарма томонидан берилаётган барча топшириқларни бажаришда совуққонлик билан ёндашиш оқибатида барча топшириқлар ушбу бўлимдаги мутахассислар томонидан ўз вақтида қийинчилик эвазига бажарилишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари Урганч туманида яратиладиган лойиҳалар, ҳоким ёрдамчилари фаолиятидаги камчиликлар келиб чиқишига сабаб бўляпти шу

Xorazm viloyati kambag'allikni qisqartirish va bandlik bosh boshqarmasi
K/R: 08/63 2024-yil 12-aprel

қаторда I чорак якунлари бўйича туман кўрсаткичлари ортда қолаётганлиги, яратилаётган янги лойиҳаларнинг ўз вақтида ишга тушмаслиги, иш ўринлари яратилишида вилоят бўйича кўрсаткичлар паст бўлиб қолмоқда. Юқоридаги ҳолат бўйича ўринбосарларга бир неча бор чора кўрилиши тўғрисида огохлантирганман.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Сиздан бўлим бошлигининг биринчи ўринбосари Ҳ.Каримов ҳамда бўлим бошлиғининг ўринбосари О.Қаландаровларни иш фаолиятида хизмат текшируви ўтказиб беришингизни сўрайман.

**Урганч туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи** **А.Рўзметов**